



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG'I

20 22 yil "24" 03

№ 88

Toshkent sh.

Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ Кодексини тасдиқлаш хақида

Тиббиёт ходимлари ўз касбий мажбуриятларига риоя этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 февралдаги 14-сон тезкор йиғилиши баёнининг 14-банди ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Куйидагилар:

Тиббиёт ходимларининг янгилангани одоб-ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда - "Кодекс" деб юритилади) **1-иловага мувофиқ**;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида барча корхона-ташкилотлар, олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида фаолият юритаётган ходимлар ҳамда талабаларнинг одоб-ахлоқ Қоидалари **2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги Республика муассаса, ташкилотлар ва ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар, Олий таълим муассасалари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбарларига:

қўл остидаги барча ходимлар ва талабаларни мазкур буйруқ билан тасдиқланган Кодекс талабларига қатъий риоя қилишларини таъминласин ва назоратга олсин;

Кодекс асосида муассаса фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда ички меърий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда барча ходим ва талабаларга таниширилишини таъминласин;

мазкур буйрук талабарини бузган раҳбар ва масъул ходимларга қонунчиликда ўрнатилган тартибда жазо чоралари қўлланилиши кўрсатиб ўтилсин;

ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Кодекс асосида ташкилот ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқсин;

ички меҳнат тартиб-қоидаларини ва бошқа идоравий ҳужжатларни ушбу буйруқка мувофиқлаштирасин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ходимларнинг тасдиқланадиган идоравий одоб-ахлоқ қоидаси мазкур Кодекс талабларига зид бўлиши ёки унда белгиланган нормалардан паст даражадаги талабларни назарда тутиши мумкин эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан 2022-2023 ўкув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган олий таълим, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари ички тартиб қоидалари, жумладан таълим олувчиларининг кийим-бошига доир талабарини мустақил белгилаш ҳуқуки берилганлиги сабабли буйрук билан тасдиқланган 2-илова улар учун тавсиявий характерга эга эканлигини айтиб ўтилсин.

6. Тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари:

тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда, ходимлар ва талабалар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 3-иловага мувофиқ айрим буйруклари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

8. Мазкур буйрукнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари А. Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир

Б. Мусаев



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни саклаш вазирлигининг
2022 йил «24» мартдаги 88-сон
буйруғига 1-илова

Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ КОДЕКСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур “Одоб-ахлоқ Кодекси” (кейинги ўринларда “Кодекс”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, касбий одоб-ахлоқнинг умумий тамойиллари ва вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган барча ташкилотлар ҳамда таълим муассасалари ходимларининг хизматдаги касбий одоб-ахлоқининг ва хулқатворининг асосий қоидаларини белгилайди.

Ушбу Кодексда қуидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

тиббиёт ходими – тиббий ёрдам кўрсатишда иштирок этувчи олий ва (ёки) ўрта маҳсус тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар, шунингдек bemorlarغا ғамхўрлик қилувчи кичик тиббиёт ходимлари;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим этиш;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фукароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуқлари ва конуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

1.2. Ушбу Кодексга риоя килиш вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари, ходимлари ва жамоа аъзолари учун мажбурий хисобланади.

1.3. Тиббиёт ходимининг Кодексга риоя этиши унинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

2-боб. Кодекснинг мақсад ва вазифалари

2.1. Ушбу Кодекснинг мақсади тиббиёт ходимлари томонидан ҳукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, тиббиёт муассасаси раҳбар ва ходимларини юксак ҳукукий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва бошқа норматив-ҳукукий хужжатларига, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига қатый риоя қилишини мутахассислар руҳига сингдиришни таъминлаш.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимидағи барча ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш, шунингдек, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар. ташаббускор. замонавий билимларга эга бўлган юксак инсоний фазилатларни ўзида намоён этган иродаси бақувват, имони бутун ва виждони уйғоқ мутахассисларни тарбиялаш Кодекснинг асосий вазифалари ҳисобланади.

2.3. Кодекс тизимдаги барча тиббиёт муассасалари (тиббиёт даволаш-профилактика, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ҳамда корхоналар) ходимларининг тиббиёт деонтологияси ҳамда касб этикасини мукаммал эгаллаб, унга сидқидилдан амал қилишини кўзда тутади.

3-боб. Тиббиёт ходимларининг хизматдаги ҳулқ-атворининг асосий тамойиллари ва қоидалари

3.1. Тиббиёт ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

қонунийлик;

фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиклик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги;

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хуқуқларига риоя қилиниши; профилактика чора-тадбирларининг устуворлиги.

3.2. Тиббиёт ходимлари қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда қонун талаблари ва мазкур Кодексда ўрнатилган нормаларга қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори турувчи давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарор (топшириқ)ларини ўз вактида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун хужжатларида ва ички хужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини хисобга олиш ҳамда қамситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлик бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

идоравий хужжатларда белгиланган ички тартиб қоидаларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини лавозим ваколатлари доирасида оғишмай бажариш;

хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки муассасанинг нуфузига зарар етказиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноконуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

давлат органида хабарлар ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

3.3. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар тиббиёт ходимларининг қонун

хужжатлари ва мазкур Кодекс талабларини бузиши учун асос бўла олмайди.

3.4. Тиббиёт ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслардан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд бошқача наф кўриш тақиқланади.

3.5. Тиббиёт ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

3.6. Тиббиёт ходимлари бирор-бир шахсларнинг уларни хукуқбузарлик содир этишга оғдириш мақсадида қилган мурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари хақида ўз раҳбарини ёхуд тегишли ҳукукини муҳофаза қилиш органларини хабардор килиши шарт.

3.7. Тиббиёт муассасаси раҳбари шахсларнинг қонунчилик бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёки профессионал фаолият юзасидан қилган танқиди ёхуд билдирган фикри учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъкиб қилинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаши керак.

3.8. Раҳбар ўзи фаолият кўрсатаётган муассасада:

- ходимларга юқори профессионализм ва адолатда ўrnak бўлиши;
- жамоани самарали бошқариши;
- жамоада ижобий маънавий-психологик муҳитни шаклланишига кўмаклашиши;
- ходимлардан уларнинг ваколати доирасидан ташқари топширикларни бажаришни талаб қилмаслиги;
- қонунга хилоф хатти-харакатларни содир этилишининг олдини олиши;
- кадрларни ишга қабул қилиш, танлаш ва жой-жойига қўйишда қариндошлий, таниш-билишчилик каби салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳолатларга йўл қўймаслиги;
- гурухбозлик, маҳаллийчилик кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларга шарт-шароитлар яратмаслиги;
- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиши ва уларни тартибга солиш юзасидан тезкор чоралар кўриши;
- коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;
- ўзига ишониб топширилган ташкилот мулки ва молиявий маблағларга

нисбатан оқилона муносабатда бўлиши ҳамда улардан мақсадли равишда фойдаланиши шарт;

- ўзи фаолият кўрсатаётган муассасада ходимларнинг хулк-атвори қоидаларини бузишга олиб келган хатти-харакатларини олдини олиш борасида чораларни кўриши керак.

3.9. Тиббиёт ходимлари бошқа давлат ташкилотлари ходимлари билан хизмат доирасидаги ўзаро самарали ҳамкорликка эришиш учун ўзларининг намунали хулк-атвори ва меҳнатсеварлигини намоён этиши керак.

Тиббиёт ходимлари хушмуомала, одобли, эътиборли, фукаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни хурмат қилиши шарт.

Тиббиёт ходимлари ўз фаолиятида уларга бевосита мурожаат қилган ҳар бир фуқарога нисбатан жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиши (кўполлик қилмаслиги), уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги керак.

Тиббиёт ходимларининг ташки қўриниши умум қабул қилинган иш услугига мос келиши керак.

4-боб. Манфаатлар тўқнашуви

4.1. Тиббиёт ходимлари ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари шарт.

Манфаатлар тўқнашуви тиббиёт ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда тиббиёт ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилишлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар ушбу ҳолатни бартараф этиш бўйича зудлик билан чора кўриши шарт.

4.2. Тиббиёт ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини юқори профессионал даражада бажаришлари, беморларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек мансаб мавқенини сунистеймол қилмаслиги керак.

Тиббиёт ходимлари ҳар қандай ҳолатда ўз мавқеи ва ваколати доирасидан ташқари бўлган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

5-боб. Тиббиёт ходими ва жамият

5.1. Тиббиёт ходими фаолияти юқори даражадаги одоб-ахлоқ ва тиббий деонтология қоидаларга асосланган бўлиши шарт. Бу талаблар бемор вафотидан сўнг ҳам ўзгармай қолиши лозим.

5.2 Тиббиёт ходими беморнинг жинси, ёши, ирқи, дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқиши, моддий таъминланганлиги, сиёсий қарашлари, жамиятдаги обрў-эътиборидан қатъий назар уларга сифатли, самарали ва хавфсиз тиббий ёрдам кўрсатиши шарт. У ўз фаолиятини амалга ошириш давомида диагностика ва даволаш усулларининг афзалликлари, камчиликлари, оқибатларини ҳисобга олиши лозим. Агар тиббиёт муассасасида зарурий шароит ёки ресурс бўлмаса, тиббиёт ходими беморни зудлик билан муносиб тиббиёт муассасасига йўналтириш чораларини кўриши керак.

5.3. Тиббиёт ходими ўз хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, қаерда бўлишидан қатъий назар зарурат туғилганда тиббий қўмакка мухтоҷ шахсларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши лозим.

5.4. Тиббиёт ходими ҳар қандай шароитда, жисмоний ва юридик шахслар томонидан босим ўтказилганда ҳам Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, ахлоқий қоидаларга зид равишда харакат қилишни рад этиши ва касбий бурч тамойилларига содик қолиши лозим.

5.5. Текширилаётган ёки даволанаётган жазо муддатини ўтаётган ёки жиноятга алоқадорликда гумон қилинган беморларнинг жисмоний ва психологик ҳолатига ҳар қандай ҳолатда (бевосита ёки билвосита) тажовузкорона таъсир ўтказиш тақиқланади. Агарда тиббиёт ходими жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларнинг кийноққа солинганлиги, уларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсиз хатти-харакатларга йўл қўйилганлигини, ёхуд уларнинг қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги ҳолатларни сезгудек бўлса, мазкур ҳолат юзасидан ўз раҳбарига ёки тегишли давлат органларига ўрнатилган тартибда хабар бериши шарт.

5.6. Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлиғи ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш давомида олинган барча маълумотлар тиббиёт ходими томонидан сир сақланиши шарт.

Беморга тааллукли бўлган маълумотларни унинг ёки қонуний вакили ҳисобланган шахсларнинг розилигисиз ошкор қилиш (5.7. - бандда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) тақиқланади.

5.7. Тиббиёт ходими сири ҳисобланган маълумотларни факатгина прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-кидирув фаолиятларини амалга оширувчи органлари ҳамда суд идоралари сўровига асосан фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга йўл қўйилади.

5.8. Ҳар бир тиббиёт ходими ўзининг тиббиёт соҳасидаги кўникма ва билимларини доим такомиллаштириб бориши, шу билан бирга малакасини

хамда профессионаллик даражасини оширишига кўмак берадиган тадбирларда мунтазам қатнашиши керак.

5.9. Тиббиёт ходимларининг фаолиятини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар билан танишиб бориши ва уларга оғишмасдан амал қилиши, мавжуд барча стандартлар, протоколлар ва клиник тавсиялардан хабардор бўлиши хамда профессионаллик даражаси ва клиник вазиятдан келиб чиқсан ҳолда кўллаши зарур.

5.10. Тиббиёт ходими оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари (интернет-саҳифалар, интернет-газета ва журналлар, форумлар ва бошқалар) орқали соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиши лозим. Тиббиёт ходимлари оммавий ахборот воситаларидағи ҳаракатлари ва берган маслаҳатлари учун фуқаролар ва тиббиёт жамияти олдида тўлиқ жавобгар хисобланадилар.

5.11. Тиббиёт ходимлари ўзаро, фармацевтлар хамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан барча кўринишдаги ноқонуний келишувлар тузиши ва коррупцион муносабатларга киришиши тақиқланади.

5.12. Фуқароларга тиббиёт ходимлари томонидан нотўғри ва ноаник ташхис бериш, шунингдек фирибгарликнинг барча турлари қатъиян тақиқланади.

5.13. Тиббиёт ходими беморларнинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашишига йўл кўйилмайди.

5.14. Дори воситаларининг ножӯя таъсири ва асоратлари аниқланганда тиббиёт ходими бу хақида даволаш-профилактика муассасаси раҳбарига хабар бериши зарур.

5.15. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ходими яширин тарзда профилактика ва даволаш усуллари хамда воситаларини қўллаши мумкин эмас.

5.16. Тиббиёт ходими касаллик тарихи, хисботлар, тиббий ва бошқа ҳужжат шаклларини тўлдиришда беғараз ва ҳаққоний бўлиши лозим.

5.17. Фуқаролар онгида тиббиёт ходимларига нисбатан салбий фикр уйғотадиган ва тиббиёт ходими шаънига доғ туширадиган хатти-харакатлардан ўзини тийиши лозим.

Бу каби хатти-харакатлар у билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин.

6-боб. Тиббиёт ходими ва бемор муносабатлари

6.1. Тиббиёт ходими даволаш ва ташхис қўйиш жараёнини ташкил қилишда, жумладан, дори-дармон билан таъминлашда ўзи ва тиббий муассасанинг манфаатини устун қўймаган ҳолда юкори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши лозим.

6.2. Тиббиёт ходими беморнинг шаъни ва қадр-кимматини хурмат килиши, даволашда унинг шахсиятидаги барча хусусиятларни ҳисобга олиши хамда беморни ўз соғлиғига ғамхўрлик қилишга ундаши лозим.

6.3. Тиббиёт ходими беморнинг тиббий билимларининг етишмаслиги, касалликдан қўрқиши, ишонувчанлигини суиистеъмол қилмаслиги ва ўзининг профессионал маҳоратидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги керак.

6.4. Тиббиёт ходими билан бемор ўртасидаги муносабатлар ўзаро хурмат, ишонч ва ошкоралик тамойилларига асосланиши керак.

Тиббиёт ходими мақбул усулда беморни унинг соғлиғи ҳолати, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари ҳакида хабардор қилиши лозим.

Тиббиёт ходими беморнинг олган маълумотидан қоникканлигига ишонч ҳосил қилиши ва зарурат туғилганида қўшимча тавсиялар, маълумотлар ва ахборотлар беришдан қочмаслиги керак.

6.5. Тиббиёт ходими даволашнинг инновацион, замонавий усуллари ва технологияларини билган ҳолда, клиник самарадорлик ва шахсий тажрибасини кўллаб тиббий ёрдам кўрсатиши зарур.

Касбий қийинчиликларга дуч келганда тиббиёт ходими ҳамкасларига ёрдам сўраб мурожаат қилиши, унга мурожаат қилган ҳамкасларига ёрдам бериши лозим.

6.6. Фуқаронинг ўз касалига доир маълумотларни билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир.

Фуқаронинг ахволи ўз хоҳиш-иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашувни эса кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда фуқаронинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашувни амалга ошириш масаласини консилиум ҳал қиласди, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи

бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахсларини хабардор қилиш шарти билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал этади.

6.7. Тиббиёт ходимираига бемор ва унинг қариндошларининг илтимосига кўра беморга эвтаназия қўллаш жумладан, ўлимни хар қандай воситалар ёки харакатлар (харакатсизлик) билан сунъий тезлаштириши катъиян тақиқланади.

7-боб. Тиббиёт ходими ва беморнинг қариндошлари

7.1. Тиббиёт ходими бемор қариндошларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши ва уларнинг руҳий холатини инобатга олган ҳолда мулокотда бўлиши, беморнинг соғлиғига ғамхўрлик қилишга ундаши, уларнинг шахсий ҳаёти маълумотларининг сир сакланишига бўлган хукукини ҳурмат қилиши лозим.

7.2. Агар беморнинг жисмоний ёки руҳий холати ишончли муносабатлар кўришга йўл қўймаса, тегишли муносабатлар беморнинг яқин қариндошлари билан ўрнатилиши керак.

Фуқаронинг соғлиғи ҳақидаги маълумотни унинг ўзига, ўн олти ёшга тўлмаган шахслар ҳамда қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёкатсиз деб топилган фуқаролар соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни эса уларнинг қонуний вакилларига даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори, бўлим мудири ёки текшириш ва даволашда бевосита қатнашаётган бошка мутахассислари беради.

Касалликнинг кечиши номақбул деб тахмин килинган ҳолларда бу ҳакида фуқарога, башарти унинг ўзи оила аъзоларига хабар қилишни тақиқламаган ёки бундай маълумот берилиши учун бирор шахсни тайинламаган бўлса, беморнинг оила аъзоларига тиббий одоб-ахлок меъёрларига риоя килган ҳолда хабар килиниши керак.

7.3. Вояга етмаган ёки бирорнинг қарамоғида бўлган беморга тиббий ёрдам кўрсатишда тиббиёт ходими (шошилинч ва кечиктириб бўлмайдигаи ҳолатлар бундан мустасно) боланинг ота-онаси ёки унинг қонуний вакилининг розилигини олиши керак.

7.4. Тиббиёт ходими боланинг яқинлари унинг соғлиғидаги муаммони етарли даражада тушунмаяпти ёки унга лозим даражада ғамхўрлик қилмаяпти деб хисобласа ҳар қандай қонуний йўл билан боланинг хукуқларини химоя қилиши зарур.

8-боб. Тиббиёт ходими ва тиббий жамият

8.1. Тиббиёт ходими тиббий жамиятнинг шарафи ва эзгу анъаналарини

химоя қилиши зарур. Тиббиёт ходимлари бир-бирига касб этикаси доирасида хурмат билан муносабатда бўлиши, ўз билим, кўникма ҳамда тажрибаларини беминнат ва беғараз улашишга тайёр бўлиши керак.

8.2. Тиббиёт ходими ўз устозларига миннатдорчилик билан муносабатда бўлиши ва хурмат саклаши лозим.

8.3. Тиббиёт ходими тиббий жамиятни мустаҳкамлашда, профессионал жамоат ташкилотлари ишларида фаол иштирок этишда, ҳамкасларининг шаъни ва кадр-қимматини химоя қилишда ўзига боғлик бўлган барча имкониятларини ишга солиши керак.

Тиббиёт ходимлари мураккаб вазиятларда бемор манфаатларини инобатга олган ҳолда бир-бирига ёрдам беришлари керак.

8.4. Тиббиёт ходимининг ҳамкасларига қаратилган ҳар қандай профессионал эътиrozлари беморнинг манфаатларини химоя қилиш учун йўналтирилган, оқилона ва асосли бўлиши лозим.

8.5. Бир нечта тиббиёт ходими диагностика ва даволаш жараёнида иштирок этаётганда, олинган натижалар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

8.6. Тиббиёт ходимлари ахоли соғлигини саклаш, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатиш билан машғул бўлган ходимлар ва бошқа касб вакилларини хурмат қилишлари лозим.

9-боб. Тиббиёт ходими ва илмий-тадқиқот ишлари, биоэтика

9.1. Тиббиёт ходими олиб бораётган илмий-тадқиқот иши бемор ёки жамият саломатлиги ва хавфсизлигига заарар етказмаслиги керак.

Фан ва жамият манфаатлари инсон манфаатларидан устун турмайди.

9.2. Инсонни обьект сифатида жалб этиб, биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга факат лаборатория тажрибалари ўтказилганидан ва фуқаронинг ёзма розилиги олинганидан кейингина давлат соғлиқни саклаш тизими муассасаларида йўл кўйилади. Инсонни биологик-тиббий тадқиқотларда катнашишга мажбурлаш мумкин эмас.

9.3. Биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга фуқародан розилик олинаётганда унга тадқиқотнинг мақсади, усувлари, қўшимча оқибатлари, эҳтимол тутилган хавфи, тадқиқотнинг қанча давом этиши ва кутилаётган натижаларига оид маълумотлар берилиши лозим. Фуқаро тадқиқотнинг исталган босқичида унда катнашишдан бош тортиш ҳукуқига эга.

9.4. Белгиланган тартибда текширув синовларидан ўтмаган профилактика, ташҳис қуиши, даволаш усувлари ва дори воситаларини тарғиб

қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш тақиқланади. Ушбу нормани бузиш конунда белгиланган жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Тиббий амалиётда янги тиббий технологиялар ва усуллар, инновациялар, тиббий ва иммунобиологик дори воситалари фақатгина мавжуд конунчиликка мувофиқ, белгиланган тартибда расмийлаштирилганидан кейин қўлланилиши мумкин.

10-боб. Якуний қоидалар

10.1. Тиббиёт муассасаси раҳбар ва ходимлари томонидан ушбу Кодекснинг бузилиши конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

10.2. Тиббиёт ходими томонидан мазкур Одоб-ахлоқ кодексига риоя этилиши аттестациялар ўtkазишда, юкори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар заҳирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

10.3. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси, маҳсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилот ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳукуклари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари ташкилот томонидан тасдиқланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини маҳсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоид бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вактда ташкилот раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган тиббиёт ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоид бузилишининг характеристини ҳисобга олган ҳолда, маҳсус таркибий бўлинма тиббиёт ходимига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огохлантириш билан чекланиши мумкин.

Тиббиёт ходимлари ўzlари йўл қўйган қоид бузилиши, қоид бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек ташкилотнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳукукига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2022 йил “24” марта “88”-сон
буйргуғига 2-илова

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи барча корхона-ташкилотлар,
олий ва ўрта-максус таълим муассасаларида фаолият юритаётган
ходимлар ҳамда талабаларнинг одоб-ахлоқ қоидалари**

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Қоиданинг мақсади, вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Республика муассаса, ташкилотлар ва ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар, Олий ва ўрта-максус таълим муассасалари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда тизимдаги барча даволаш-профилактика муассасалари (кейинги ўринларда – муассаса ва ташкилотлар) учун намунали кийиниш меъёрларини белгилаш, шунингдек, деонтологик нұктай назардан соғлом маънавий, ижтимоий-психологик мухит барқарорлигини таъминлаш, касбга нисбатан ўзаро ҳурмат муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

1.2. Ушбу Қоида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш түғрисида” 62-сон қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Ушбу Қоиданинг талаблари барча тиббиёт ходимлари, профессор-үқитувчи, ходим (кабинет мудирлари, лаборантлар, котибалар, бўлим ходимлари) ҳамда талабалар ва ўкувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

1.4. Қоидада белгиланган талаблар муассаса ички меъёрий ҳужжатларига киритилиши шарт.

**2-боб. Муассаса ходимлари ва талабаларнинг
муомаласи ва кийинишига қўйиладиган талаблар:**

2.1. Тиббиёт ходимлари учун умум эътироф этилган ахлоқий қоидаларга мувофиқ жиддий, ишchan ва дидли, зиёли шахс қиёфасини шакллантириш мақсадида корпоратив кийиниш услуги талабларига амал қилинади.

2.2. Муассасада раҳбар ходимлар, педагог, шифокорлар (ёки бўлажак педагог, шифокор) касбига мос ҳолда кийинишлари талаб этилади. Тиббиёт ходими ўзини тутиш санъати, мулокот маданияти ва касбдошлар ўртасида ҳамда беморлар билан мулокотда ҳурмат, меҳр-мурувват қўрсатиши шарт. Бунда ўқитувчи ва мураббийлар талабаларга намуна қўрсатишлиари лозим.

2.3. Тиббиёт таълим ва даволаш-профилактика муассасалари жамоаси (бундан кейин- жамоа) аввало юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиши нуқтаи назаридан:

- жамоада ходимларнинг маъмурият (ректор, проректор, декан, директор, кафедра мудири, бўлим, бошқарма бошликлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда уларга тенглаштирилган раҳбар ходимлар)га нисбатан ҳурматда бўлиши;

- жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатда танқидий фикрларни тўғри ва асосли қабул қилиши, тавсиявий характердаги танқидий фикрлардан хulosалар чиқариш, танқид килаётган ходимнинг зарур ва керакли тавсияларига риоя қилиш;

- жамоа аъзосининг сўз эркинлиги таъминланганлиги нуқтаи назаридан, бирорга тухмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ўзаро муносабатларда беҳаё сўзлардан фойдаланиш хукукини кафолатламайди;

- жамоа мурожаати маданият даражасида бўлиши ўзаро муносабатни мустаҳкамлаб беради. Расмий мурожаатлар раҳбарга, етакчи мутахассисга, таълим берувчи устозга, мурожаат этилаётганда белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Норасмий мурожаатларда ҳам асосан ишончлилик, дўстона ва самимий муносабат устувор аҳамиятга эга.

- жамоа аъзолари олий таълим муассасаси худудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига дуч келганда албатта саломлашишлари, бунда: талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бундан қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

2.4. Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки тиббиёт таълим ва даволаш-профилактика муассасалари ички муаммоларига тааллукли масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади. Компьютерларда тиббиёт таълим ва даволаш-профилактика муассасаларига тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноконуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай

материалларни тайёрлаш, саклаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъяян ман этилади.

2.5. Аудиторияда уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш, дарс вактида гаплашмаслик, жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик, қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик, овқатланмаслик, сақич чайнамаслик, умумий овқатланиш жойларида таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш, тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга хурмат кўрсатиш, овқатланиш вактида шовқин солмаслик, умумий овқатланиш шахобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиниши лозим.

2.6. Ахборот ресурс маркази ходимлари билан ҳушмуомалада бўлиш, китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик, қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик, китобларни олиш ва топшириш тартиб-коидаларига риоя қилиниши талаб қилинади.

2.7. Талабалар турар жойларида мавжуд жиҳозларни асраш, уларга заар етказмаслик, электр-энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (окилона) фойдаланиш, санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш коидаларига амал қилиш, “Талабалар турар жойи Қоидаси” ва “Ички тартиб-коидалари”га катъи риоя қилиниши шарт.

2.8. Ташки кўриниш – инсоннинг ким ва қандай эканлиги хақида дастлабки маълумотни берувчи, унинг турмуш тарзи ва ҳаётида мухим аҳамиятга эга бўлган фаолияти эканлигини инобатга олган ҳолда тиббиёт таълим ва даволаш-профилактика муассасалари жамоаси кийиниш маданиятига риоя этиши лозим. Жамоа аъзоларининг тиббиёт таълими, даволаш-профилактика муассасаларида дикқатни тортадиган, яъни хаддан ташқари тор ёки очиқ кийимда, ғайриоддий соч турмаклари билан ортиқча бўянган ҳолда, спорт кийимларида келиши тақиқланади.

2.9. Тиббиёт таълим ва даволаш-профилактика муассасаларига ораста бўлиб келиш талаб этилади. Танага бодиард услубида турли суратлар чиздириш, татуаж тушириш ва пирсинглар такиши одоб-ахлок қоидаларига зид ҳисобланади. Тиббиёт муассасаларига бу ҳолда келиш ман этилади.

З-боб. Муассаса ходимлари ва талабаларнинг муомаласи, кийиниш маданият қоидалари:

3.1. Тиббиёт муассасасида фаолият кўрсатаётган ва таълим олаётган аёл тиббиёт ходими ва талабаларига қўйиладиган талаблар:

3.1.1. Ходимлар касбдошлари ўртасида, шунингдек, bemорлар билан мулокот жараёнида уларга ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари керак.

3.1.2. Устки кийимнинг турлари халат ёки тиббий маҳсус кийим оқ рангли (бўлимлар орасидаги бошқа рангли маҳсус кийим ички тартибда тасдиқланиши лозим) табиий матодан, осон ва тез тозаланадиган, қулай кийиладиган, тор бўлмаган, бичими ортиқча безаклардан холи, диккатни тортмайдиган, классик шаклдаги костюм ёки халатдан иборат бўлиши муҳим.

3.1.3. Костюм, юбка ва кўйлаклар сидирға ёки чизиқли классик матолардан, блузка эса оқиш рангда бўлиши лозим. Юбканинг узунлиги тиззадан юкори бўлмаслиги керак.

3.1.4. Аксессуарлар (сумка, кўзойнак ва безаклар) ҳам корпоратив услугга мос ҳолда танланиши, ортиқча безаклардан холи бўлиши, заргарлик тақинчоқлари (зирак, узук ва бошқалар) кўзга яққол ташланмайдиган тарзда тақилиши лозим.

3.1.5. Сочлар ораста йигилган, ўрилган ёки турмакланган, ортиқча аксессуарлардан холи бўлиши керак .

3.1.6. Оқ халат ва унга мос бош кийим тоза ва маҳсус бўлиши, халат тиззадан пастда туриши, енги узун (фаслга қараб), классик услубда, **чет эл ва турли хил фирма ёрликларидан холи бўлиши лозим.**

3.1.7. Оёқ кийим юрганда ортиқча овоз чиқармайдиган, қулай ва осон тозаланадиган (дезенфекция усулларидан фойдаланишга қулай) бўлиши зарур.

3.1.8. Тиббиёт ходимларининг қўллари тоза, ортиқча зеб берилмаган, тирноклар калта олинган бўлиши керак.

3.2. Тиббиёт муассасасида фаолият кўрсатаётган ва таълим олаётган эркак тиббиёт ходими ва талабаларига қўйиладиган талаблар:

3.2.1. Ходимлар касбдошлари ўртасида, шунингдек, bemорлар билан мулокот жараёнида уларга ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари керак.

3.2.2. Устки кийимнинг турлари бичими классик шаклдаги костюм, шим, кўйлак, галстукдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

3.2.3. Костюм ва шимлар сидирға ёки чизиқли матолардан, кўйлаклар эса очик рангларда бўлиши лозим.

3.2.4. Галстукнинг кенглиги ўртача, узунлиги камаргача бўлиб, ранги костюм ва кўйлакка мос танланиши керак.

3.2.5. Талаба йигитлар талабага мос ўқув қуроллари солиб юриш мүмкін бўлган, ранги устки кийимга ярашимли сумка-портфеллар тутишлари лозим.

3.2.6. Оқ халат ва шунга мос бош кийим тоза, текис, тиззадан пастда туриши, енги узун (faslga қараб), классик услубда, чет эл ва турли хил фирма ёрликларидан холи бўлиши лозим.

3.2.7. Сочлар тартибга келтирилган, калта кесилган, сокол мўйлов олинган бўлиши лозим.

4-боб. Муассаса ходимлари ва талабаларнинг кийинишида ман қилинадиган ҳолатлар:

4.1. Аёл ходима ва талаба қизлар учун:

4.1.1. Узунлиги тиззадан калта бўлган, шаффоф ва ялтироқ матолардан тикилган, бичими тор, кўкрак, қорин, елка қисми очиқ блузка ва кўйлаклар кийиш;

4.1.2. Безак сифатида маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида «йиртилган», «титилган» ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

4.1.3. Муассаса худудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовкаларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг талабалар турар жойи биноси, спорт майдончаларидан ташқари);

4.1.4. Ўқув анжомларини рўзғор ва харид учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;

4.1.5. Қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли кисмларига зирак ёки металл буюмлар такиб юриш;

4.1.6. Оқ халат ва кийимларда турли хил чет эл ва бошқа фирма ёрликлари бўлиши тақиқланади.

4.2. Эркак ходим ва талаба йигитлар учун:

4.2.1. Бичими тор, ялтироқ, баданга ёпишиб турадиган ҳамда маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва джинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

4.2.2. Муассаса худудида спорт кийимлари, калта шим ва кроссовкаларда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг талабалар турар жойи биноси, спорт мажмуасидан ташқари);

4.2.3. Ўқув анжомларни рўзгор ва харид учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;

4.2.4. Давлат ташкилотларида фаолият юритадиган ходимларнинг умумий ташқи кўриниши (соқол, соч), терининг кўринадиган қисмларида турли тасвиirlарсиз, ораста ва тартибли бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни саклаш вазирлигининг
2022 йил “24” мартағи 88-сон
буйруғига З-илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган буйруқлари**

1. Соғлиқни саклаш вазирлигининг “Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимидағи барча бошқарув аппарати, тиббиёт даволаш-профилактика ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим муасассалари, ташкилот, корхоналар ходим ва талабаларнинг тиббий деонтологияси ва маданияти тўғрисида” 2016 йил 20 январдаги 34-сон буйруғи.

2. Соғлиқни саклаш вазирлигининг “Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлаш хақида” 2019 йил 17 июндаги 161-сон буйруғи.